

ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
адлия вазири


_____ **Р. Давлетов**

2021 йил 15 июль

“ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА
МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ”

ўқув курси бўйича

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тошкент – 2021 йил

КИРИШ

“Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш” курсининг Ўқув дастури тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган. Ўқув дастурида Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларда тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи мутахассисларни мазкур соҳа бўйича билим доирасини кенгайтириш, ўзлаштирган назарий билимларини амалий машғулотларда мустаҳкамлаш назарда тутилган.

“Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш” курсининг мақсади: Мазкур Ўқув дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ўқув курсининг долзарблиги: Мамлакатимизда бозор механизмларига ўтиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг маъмурий юкини ва харажатларини камайтиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилиб келмоқда.

Хусусан, қонунчилик ҳужжатларини сифатини оширишга ва умуман тартибга солишни соддалаштиришга, норма ижодкорлиги фаолиятига жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда чуқур ўйланган ҳамда ҳисоб-китоб қилинган қарорлар қабул қилиш имконини берувчи “ақлли тартибга солиш” усулларини жорий этиш бўйича тизимли фаолият олиб борилмоқда.

Шу боис, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш мақсадларига эришилганлигини, самарадорлигини ҳамда тартибга солиш усулини қўллашда вужудга келган оқибатларни аниқлашга қаратилган чоратадбирларни бевосита амалга ошира оладиган мутахассисларни тайёрлаш долзарб аҳамият касб этади.

Тингловчилар контенгенти: Ўқув дастури тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича мутахассисликка номзодларни, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъул ходимларини ўқитишга мўлжалланган.

Ўқув курсининг ҳажми: Махсус ўқув курсларида таълим олиш **44 соатлик** ҳажмда амалга оширилади.

Ўқитиш шакли: ўқитиш анънавий ёки масофавий (онлайн) шаклларда амалга оширилади.

I. ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

1. Қуйидагилар ўқув дастурини ўзлаштирган тингловчига қўйиладиган умумий малака талаблари ҳисобланади:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиби бўйича назарий билимлар;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш кўникмаси;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш мақсадларига эришилганлигини, самарадорлигини ҳамда тартибга солиш усулини қўллашда вужудга келган оқибатларни аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини бажара олиш малакаси;
- муаммоларни холислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати.

2. Қуйидагилар ўқув дастурини ўзлаштирган тингловчига қўйиладиган касбий малака талаблари ҳисобланади:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш учун ахборот манбалари ҳақида яхлит тасаввур;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш борасида билимлар ва амалий кўникмалар;
- қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби борасида билимлар ва амалий кўникмалар;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилишини назорат қилиш малакалари.

II. ИЗОҲ ХАТИ

Дастур мазмунининг янгилиги: Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган талаблар мажмуига мос келади.

Яқуний имтиҳон: Яқуний имтиҳон тингловчининг билим ва кўникмаларини оғзаки ёки ёзма шаклда имтиҳон олиш йўли билан баҳолашни ўз ичига олади.

Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми: ўқув курсини ўрганиш учун **44 соат** ажратилган. Аудитория машғулоти: маъруза – 12 соат, семинар-тренинг – 14 ва амалий машғулотларга – 14, яқуний синовлар учун – 4 соат ажратилган.

**III. “ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА
МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ” ЎҚУВ КУРСИНИНГ
МАВЗУЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Мавзулар номи	Машғулотларга ажратилган соатлар				
		Маъруза	Семинар-тренинг	Амалий машғулот	Яқуний имтиҳон	Жами
1.	Тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг шаклланиши ва ривожланиши. “Бюрократик тартибга солишдан ақлли тартибга солишга ўтиш”	2	2	-	-	4
2.	Ўзбекистонда тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий ва институционал асослари, тизими ва тартиби (ҳисобот ва ҳулоса).	1	2	1	-	4
3.	Тартибга солиш таъсирини баҳолаш методологияси (ex-ante, ex-post баҳолаш).	1	1	2	-	4
4.	Тартибга солиш таъсирини баҳолаш услублари (“фойда ва харажат таҳлили”).	1	1	2	-	4
5.	Тартибга солиш таъсирини баҳолашда ахборот тўплаш усуллари (ижтимоий сўровнома, эксперт ва мутахассис билан суҳбат, оммавий муҳокама ва ҳ.к.).	1	1	2	-	4
6.	Тартибга солиш таъсирини баҳолашда ҳуқуқий мониторингни ўрни ва роли.	2	2	-	-	4
7.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг иқтисодиётга, тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш.	1	1	2	-	4
8.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш.	1	1	2	-	4
9.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг ижтимоий соҳага, гендер тенглигига таъсирини баҳолаш.	1	2	1	-	4
10.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг экология ва атроф-табiiй муҳитга таъсирини баҳолаш.	1	1	2	-	4
	Яқуний имтиҳон					
	Назарий билимларни баҳолаш	-	-	-	1	2
	Амалий кўникмаларни баҳолаш	-	-	-	3	2
	ЖАМИ:	12	14	14	4	44

IV. ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ

1-мавзу. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг шаклланиши ва ривожланиши. “Бюрократик тартибга солишдан ақлли тартибга солишга ўтиш”.

Тартибга солиш сиёсатининг концептуал асослари. Давлат аралашуви зарурати, бозордаги муваффақиятсизлик: рақобат муҳити етарли эмаслиги; ахборот етишмовчилиги, ташқи таъсир, жамоат маҳсулотлари.

Тартибга солиш сиёсатининг эволюцияси – “deregulation”, сифатли тартибга солиш – “better regulation” ва ақлли тартибга солиш – “smart regulation”. Бюрократик тартибга солишдан ақлли тартибга солишга ўтиш зарурати ва аҳамияти.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тушунчаси. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш предмети ва ушбу механизмнинг (тизимнинг) моҳияти. Тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг асосий мақсад ва вазифалари.

Илғор хорижий мамлакатлар амалиёти (Европа Иттифоқи давлатлари, Буюк Британия, АҚШ, Австралия ва бошқалар) ҳамда халқаро ташкилотлар тавсиялари.

2-мавзу. Ўзбекистонда тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий ва институционал асослари, тизими ва тартиби

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий ва услубий база. Тартибга солиш таъсирини баҳолашни норма ижодкорлиги жараёнига интеграция қилиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишни ташкил этиш, босқичлари ва тартиби. Тартибга солиш таъсирини баҳолашда субъектларнинг роли ва вазифалари. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисобот шакллари ва ҳулосалар.

3-мавзу. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш методологияси (ex-ante, ex-post баҳолаш).

Тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг асосий босқичлари ва тузилиши, элементлари ва уларнинг хусусиятлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш. Тартибга солиш сифатини таъминлашга доир меъёрий талаблар.

4-мавзу. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш услублари (“фойда ва харажат таҳлили”).

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини таҳлил қилишнинг иқтисодий услубларини қўллаш усуллари: имкониятлари, чекловлари, мақсадлари ва шартлари ҳамда қўлланилиш муаммолари.

Асосий таҳлилий усуллар: харажат ва фойда таҳлили; харажатлар самарадорлиги таҳлили; кўп мезонли таҳлил. Маъмурий сарф-харажатларни монетизация қилиш. Тартибга солиш воситасини жорий этиш билан боғлиқ рискларни баҳолаш.

5-мавзу. Тартибга солиш таъсирини баҳолашда ахборот тўплаш усуллари (ижтимоий сўровнома, эксперт ва мутахассис билан суҳбат, оммавий муҳокама ва ҳ.к.)

Тартибга солиш таъсирини баҳолашни ўтказиш учун ахборот олиш усуллари ва манбалари. Бирламчи ва иккиламчи маълумотларнинг ишончлилиги тушунчаси ва ҳақиқийлигини текшириш ёндашувлари.

Сифатли ва миқдорий тадқиқотлар. Ахборот тўплашнинг турли усулларида фойдаланиш мақсадлари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари. Оммавий муҳокамалар учун сўровномалар, интервью сценарийлари ва саволларини шакллантиришга қўйиладиган талаблар. Жамоатчилик муҳокамаси учун шакллантирилган саволларнинг тўғрилигини баҳолаш. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш жараёнида нотўғри маълумотлардан фойдаланиш хавфини камайтириш бўйича тавсиялар.

6-мавзу. Тартибга солиш таъсирини баҳолашда ҳуқуқий мониторингни ўрни ва роли.

Ҳуқуқ (норма) ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашда ҳуқуқий мониторингнинг умумий тавсифи. Ҳуқуқий мониторинг тушунчаси ва белгилари. Ҳуқуқий мониторингнинг ташкилий-ҳуқуқий ва илмий асослари. Ҳуқуқ (норма) ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашда ҳуқуқий мониторингнинг натижалари. Ҳуқуқий мониторинг жараёнида тартибга солиш таъсирини баҳолаш субъектлари ва бошқа иштирокчилари. Ҳуқуқий мониторинг жараёнида тартибга солиш таъсирини баҳолаш объектлари ва предмети. Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби.

7-мавзу. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг иқтисодиётга, тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш.

Тадбиркорлик субъектларининг турлари. Тадбиркорлик субъектларининг стандарт харажатларини баҳолаш. Харажатларнинг туркумланиши. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тадбиркорлик

субъектларининг айнан қайси фаолиятларига татбиқ этилаётганлиги, уларнинг таъсир даражасини аниқлаштириш.

Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларининг ижроси юзасидан тадбиркорлик субъектларига тушадиган маъмурий юкни ҳамда уларнинг фаолиятига салбий ва ижобий таъсирини аниқлаштириш. Тартибга солишнинг натижадорлиги, самарадорлиги ҳамда долзарблиги таҳлили.

8-мавзу. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш.

Тартибга солиш таъсирини баҳолашда рақобатни ўлчаш хусусиятлари. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобат муҳитига таъсирини баҳолашнинг асосий меъзонлари ва усуллари.

Товар ва молия бозорининг барча иштирокчиларига товарлар (ишлар, хизматлар) учун тенг имкониятлар яратишда тўққинлик қилиши мумкин бўлган барча омилларни аниқлаш. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда товар ва молия бозорларида рақобатни чеклайдиган лойиҳаларни ёки амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар.

Тартибга солиш воситаларининг рақобат муҳитига салбий таъсирини олдини олиш бўйича тавсиялар.

9-мавзу. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг ижтимоий соҳага, гендер тенглигига таъсирини баҳолаш.

Фундаментал инсон ҳуқуқлари. Фуқароларни иш билан таъминлаш, меҳнат шароитлари, даромадларни тақсимлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий инклюзия. Таълим ва тарбия, маданият ва ёшлар. Истеъмолчилар ҳуқуқлари.

Гендер тенглик жиҳатдан тартибга солиш таъсирини баҳолаш ёндашувлари. Гендер тенглик жиҳатдан тартибга солиш таъсирини баҳолаш методикаси.

10-мавзу. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг экология ва атроф-табiiй муҳитга таъсирини баҳолаш.

Давлат экологик экспертизасини ўтказишни ташкил қилиш. Материалларни давлат экологик экспертизасига тақдим этиш. Давлат экологик экспертизаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Давлат экологик экспертизасининг хулосаси. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш тартиби.

V. ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Ўқув дастури малака ошириш курси бўйича маъруза, семинар-тренинг, амалий машғулотлар ва ҳ.к. ўтказилишини назарда тутади.

Маърузаларда кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича амалий аҳамияти очиқ берилади ва мазкур ўқув курси бўйича мавзуй режада назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилади.

Семинарлар давомида тингловчилар ўқув курсининг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш фаолиятини амалга ошириш бўйича кўникмаларига эга бўлишлари керак. Барча семинар машғулотлари тренинг шаклида ташкил қилинади.

Амалий машғулотлар ўқув дастурининг тегишли мавзулари бўйича ташкил қилинади. Амалий машғулотлар давомида тингловчилар ўқиш даврида шаклланган амалий кўникмалари асосида тегишли ҳаракатларни бажара олишлари лозим ва мустақил фикр юритиш мақсадида амалий топшириқларни (*бирламчи маълумотларни йиғиш усуллари: ижтимоий сўровномалар, экспертлар билан суҳбатлар, оммавий муҳокамалар; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти ва рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш*) бажарадилар.

Амалий топшириқларини бажаришда тингловчилар тегишли амалдаги қонун нормаларига, амалий тажрибаси ва ўқув курси давомида олган билимларга таяниб, уларни асослаб бажаришлари керак.

Ўқув курсини ўзлаштиришда тингловчилар мавжуд материаллар: дарслик, монография, ўқув қўлланма, илмий мақолалар, фонд маърузалари ва бошқа материаллардан фойдаланишлари мумкин.

Ўқув дастурида тингловчиларнинг дастурни ўзлаштириш даражасини баҳолаш мақсадида якуний синов назарда тутилган.

Ўқув дастурини ўзлаштириш ва таълим жараёнларини таъминлашга мўлжалланган ўқув ва ўқув-методик материаллар.

Ўқув ва ўқув-методик материаллар:

маъруза фондлари (шу жумладан, электрон шаклдаги) ва ўқув курси бўйича ўқув қўлланма, тарқатма материаллар;

мультимедиа материаллари (слайдлар, презентациялар ва ҳ.к.).

тест (ёки назорат саволлари) ёхуд масофавий топшириқлар;

амалий топшириқлар (масалалар ёки казус ва ҳ.к.).

Ўқув дастурини амалга ошириш учун зарур техник таъминои:

шахсий компьютер – ўқитувчининг автоматлаштирилган иш жойи;

“ppt (pptx)”, “doc (docx)”, “xls”, “mp3” ва бошқа ҳ.к. форматдаги файллар билан ишлаш учун дастурий таъминотлар;

мультимедиа қурилмаси, экран ёки смарт-телевизор.

VI. АТТЕСТАЦИЯ ШАКЛИ

Яқуний имтиҳон тингловчининг билим ва кўникмаларини икки хил йўл билан баҳолашни ўз ичига олади:

назарий билимлар – оғзаки ёки ёзма шаклда имтиҳон олиш йўли билан;

амалий кўникмалар – тингловчилар томонидан кейс-стади технологиялари асосида тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва унинг натижаларини тақдирот қилиш орқали амалга оширилади. Мазкур кейслар яқуний имтиҳон бошланишидан камида 3 кун олдин тингловчиларга топширилиши керак.

VII. БАҲОЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ

“Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш” ўқув курсидан назарий билимларни (оғзаки ёки ёзма шаклда имтиҳон олиш йўли билан) ва амалий кўникмаларини аниқлаш шаклидаги 2-босқичли яқуний синовларни ўтказиш методикасини назарда тутувчи, тингловчиларда жавоб варақалари мавжуд бўлиши белгилаб қўйилган методик материаллар.

VIII. АХБОРОТ ВА МЕТОДИК ТАЪМИНОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

1. *Шавкат Мирзиёев*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.
2. *Шавкат Мирзиёев*. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.
3. *Шавкат Мирзиёев*. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.
4. *Шавкат Мирзиёев*. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // 2017 йил 22 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 28 декабрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 январь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // 2020 йил 29 декабрь.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

9. Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПКҚ–3666-сон “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги ПК–4505-сон “Хуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ–6019-сон “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6075-сонли Фармони.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПК–5025-сон “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 мартдаги 212-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юридик таъминлаш бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 19 мартдаги 01-11/01-05-сон "Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 3155, 2019 йил 19 апрель).
23. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 31 мартдаги 7-мх-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3292, 2021 йил 31 март).

Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монография ва илмий мақолалар:

24. Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими: амалий қўлланма / Ф. Мухамедов, Ф.Карабаев, И.Бектемиров, А.Абидов. — Тошкент: Vaktria press, 2016. — 88 б.
25. Х.Т. Одилқориев; Б.Н. Тошев. - Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий ислохотларнинг асосий жиҳатлари/Ўқув қўлланма. –Т., 2019.
26. О. Аралов. - Ҳуқуқ ижодкорлиги ва уни такомиллаштириш муаммолари. // Ҳуқуқ ва бурч. 2015 №6. Б.56-57.
27. Ш. Бердияров. - Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида юридик техниканинг аҳамияти. // Иқтисод ва ҳуқуқ. Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр. 2017. №7 Б.33-36
28. Ш. Ёдгоров. - Мукаммал қонунлар ватан тараққиётига хизмат қилади. // Ҳуқуқ ва бурч. 2015 №3. Б.22-25.
29. Методические рекомендации по организации проведения ОРВ в субъектах Российской Федерации, Министерство экономического развития РФ, 2016. <http://orv.gov.ru/Content/Item?n=6377>
30. А.Д. Короленко. - Современное значение «умного регулирования» как нового направления государственного регулирования экономики // Молодой ученый. 2015. № 4 (84). С. 368-371. — URL: <https://moluch.ru/archive/84/15550/> (дата обращения: 16.05.2021).
31. OECD, Regulatory Impact Assessment, 2019. https://www.oecd-ilibrary.org/sites/7a9638cben/1/1/1/index.html?itemId=/content/publication/7a9638cben&_csp_=619a2d489e8b70731fae862e094facd9&itemIGO=oecd&itemContentType=book
32. OECD, Introductory Handbook for Undertaking Regulatory Impact Analysis, 2008. <http://www.oecd.org/gov/regulatory-policy/44789472.pdf>
33. Australian Government Handbook of Cost Benefit Analysis, 2006. http://www.finance.gov.au/sites/default/files/Handbook_of_CB_analysis.pdf
34. New Zealand Guide to Social Cost Benefit Analysis, 2015 <http://www.treasury.govt.nz/publications/guidance/planning/costbenefitanalysis/guide>
35. OECD, Regulatory Impact Analysis in OECD Countries: Challenges for developing countries, 2005. <https://www.oecd.org/gov/regulatory-policy/35258511.pdf>
36. Guidelines for the Regulation Impact Assessment, Ministry of Economy of Poland
37. The Green Book: Central Government Guidance on Appraisal and Evaluation, UK HM Treasury, 2020

38. Better Regulation Framework, UK Department for Business, Energy and Industrial Strategy, 2020
39. Small and Micro Business Assessments: guidance for departments, with case history examples, UK Regulatory Policy Committee, 2019
40. Regulatory Performance: Ex post Evaluation of Regulatory Policies, OECD, 2003. <https://www.oecd.org/gov/regulatory-policy/30401951.pdf>
41. Gender Impact Assessment: Gender Mainstreaming Toolkit, European Institute for Gender Equality, 2016 <https://eige.europa.eu/gender-mainstreaming/toolkits/gender-impact-assessment/what-gender-impact-assessment>

Интернет сайтлари:

42. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали <https://regulation.gov.uz/uz>
43. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими <https://project.gov.uz>
44. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Тартибга солиш сиёсати бўйича қўмитасининг материаллари (OECD Regulatory Impact Assessment Guidance): <https://www.oecd.org/gov/regulatory-policy/ria.htm>
45. Жахон банкининг Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича глобал маълумотлар базаси (Global Database for Regulatory Impact Assessment) <https://rulemaking.worldbank.org/en/ria-documents>
46. Европа комиссиясининг Сифатли тартибга солиш воситалари (Better regulation toolbox) https://ec.europa.eu/info/law/law-making-process/planning-and-proposing-law/better-regulation-why-and-how/better-regulation-guidelines-and-toolbox/better-regulation-toolbox_en
47. Россия Федерациясининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича веб-сайти (Оценка регулирующего воздействия) <http://orv.gov.ru/>
48. Буюк Британиянинг Тартибга солиш сиёсати қўмитасининг материаллари (Regulatory Policy Committee) <https://www.gov.uk/government/organisations/regulatory-policy-committee>
49. Канада Таъсирни баҳолаш агентлигининг материаллари (Impact Assessment Agency of Canada) <https://www.canada.ca/en/impact-assessment-agency.html>
50. Jacobs, Cordova & Associates маълумотлар базаси <http://regulatoryreform.com/ria-community/>